



СУГУРТА ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Халиқулова Гулзада Таджимуратовна

Тошкент молия институтини "Иқтисодиёт" кафедраси доценти

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 3 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a2	Мазкур мақолада суғурта тизимини тадқиқ этишнинг методологик асослари ёритиб ўтилган, суғурта тизимининг аҳамияти, компонентларини ва амалга ошириш тартибини, ҳамда суғурта тизимига жаҳон иқтисодчилари берган таърифларни ўрганган ҳолда суғурта тизимига муаллифлик таърифи берилган. Суғурта маҳсулотини суғурта тизимининг ажралмас қисми сифатида ўрганилган. <i>суғурта тизими, суғурта маҳсулоти, суғурта бозори, суғурта муносабатлари, суғурта муқофоти, суғурта ҳодисаси.</i>
KEYWORDS	

Кириш

Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиши глобал тенденцияларга мос равишда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 22 январда тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида Янги Ўзбекистоннинг ривожланишида суғурта тизимининг алоҳида ўрни борлигига аҳамият қаратилган, яъни: “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш” 56-мақсад сифатида кўрсатиб ўтилган. Бундан кўрииб турибдики аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда янги суғурта турларини амалга киритиш мақсадга мувофиқ ва бу 2023 йил мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” дастурига ҳам мос келади.

Суғурта маълум воқеалар (суғурта ҳодисалари) юзага келганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини улар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари (суғурта муқофотлари) ҳисобидан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобидан ҳимоялашдан ташкил топган иқтисодий муносабатлардан иборат. Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта операцияларининг самарадорлигига эришишдан манфаатдор бўлган томонларнинг ўзаро муносабати суғурта бозорида юз беради.

Суғурта ўзининг узоқ тарихига эга, у ўзининг дастлабки нотижорат туридан, ривожланиши давомида нотижорат шакли ҳам пайдо бўлди ва ривожланди. Суғурта инсонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг қадимги тури бўлиб, ўзининг узоқ ривожланиши давомида ишлаб чиқариш муносабатларининг ажралмас қисмига айланди. Суғуртанинг бирламчи маъноси “қўрқув” сўзи билан боғлиқ. Хусусан, “суғурта” атамаси баъзан қўллаб-қувватлаш, қафолат ва ҳоказо маъноларда қўлланади. Ҳозирги пайтда ушбу атама борган сари жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаш механизми маъносида қўлланилмоқда.

Суғурта тизими амалга оширилишининг асосий шarti, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан тавсифланади.

Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий

манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича методологик тамойилларни аниқлаб олиш зарурати туғилади.

Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад. Тадқиқотнинг мақсади суғурта соҳасининг методологик асосларини такомиллаштиришнинг асосий глобал тенденцияларини аниқлашдан иборат ва суғурта жараёнларининг таркибий-функционал таҳлил тамойилларига асосланиб ўрганиш, тадқиқот натижалари асосида “суғурта тизими” тушунчасини такомиллаштириш, суғурта тизими ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Таҳлил ва натижалар. Замонавий иқтисодий адабиётларда қўллаб тадқиқотлар суғурта бозори ривожланишининг миқдорий кўрсаткичлари ва суғурта муносабатларини тартибга солиш усулларини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Суғурта тизимини тадқиқ қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган, шунга қарамадан, хорижий муаллифларнинг “суғурта тизими” атамасининг таърифига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий муаллифларнинг асарларида “суғурта тизими” атамасининг қуйидаги таърифи алоҳида эътиборга молик.

В.В. Шахов суғурталаш тизимини ушбу иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг, давлат назорат қилувчи органи билан ўзаро боғлиқлигидаги муносабатларининг йиғиндиси дея таърифлайди[1]. Муаллиф суғурта тизимининг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатади: тадбиркорларга ишлаб чиқариш ёки савдо жараёнининг узлуксизлигида маълум қафолатларни таъминлайдиган суғурта ва маслаҳат хизматлари тўплами, индивидуал миқозларга қундалик ва ишончли суғурта хизмат кўрсатилишини тақдим этиш.

С.Л. Ефимов суғурта тизимини суғурта ҳуқуқий муносабатлари ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли сифатида таърифлайди, у давлат суғурта монополияси ёки эркин суғурта бозори орқали ифодаланиши мумкин[2].

С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасоваларнинг қайд этишларича, сугурталанишнинг асосий тамойиллари ичида сугурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ва сугуртанинг ҳуқуқий муносабатларини амалга оширилиши тамойилларини фарқлаш лозим[3]. Сугурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ичида муаллифлар сугурта манфаати мавжудлиги тамойили, сугуртанинг рисклилиги тамойили, эквивалентлик тамойилини ажратиб кўрсатади. Сугурта тизими бюджет ва банк-кредит тизимлари ўртасида оралик ўрин тутати. Тармоқ йўналиши белгисига кўра сугурта тизими куйидаги тармоқларга бўлинади: ижтимоий сугурта, шахсий сугурта, мулкый сугурта, жавобгарлик сугуртаси, тадбиркорлик рискларини сугурталаш.

Е.Ф. Дюжиковнинг қайд этишича, миллий сугурта тизимининг тузилиши қонунчилик базасини шакллантириш, сугурта фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш, сугурталанувчиларга рағбатловчи солиқ имтиёзларининг берилиши ҳамда миллий сугурта тизимининг халқаро сугурта бозорида босқичма-босқич интеграциясини ўз ичига олади[4].

О.А. Тарақуҷяқ сугурта тизимини сугурта бозори орқали тадқиқ этади ва унинг мураккаб, кўп омилли, динамик, тегишли тарзда тузилмага эга, очик, давлатдаги умумий иқтисодий вазиятга ва сиёсатга боғлиқ тизим эканлигини қайд этади[5].

Кишиларнинг ўртасида бундай муносабатлар тизимининг пайдо бўлиши унинг бир қатор рисклар билан боғлиқлиги билан изоҳланади, улар бозор муносабатлари субъектларининг ҳўжалик фаолияти натижаларига зарар етказиши мумкин.

В.И. Плис ҳам сугурта тизимини сугурта бозори нуктаи назаридан кўриб чиқади, уни турли таркибий тузилма бўлимларини қамраб олган, бирламчи бўлими сугурта компанияси бўлган мураккаб интеграцияланган тизим каби таърифлайди[6]. Муаллиф, шунингдек, жаҳон сугурта тизимининг тушунчасини ажратиб кўрсатади, жаҳон сугурта тизимининг ўзига хос хусусиятларини қайд этади.

В.Д. Базилевич, К.С. Базилевичлар сугурта тизимини сугурта ҳимояси тизимининг мажмуаси, дея таърифлайди[7].

Александрова М.М. сугурта тизимини сугурта муносабатларининг субъектлари ўртасида жавобгарлиқни рисклар бўйича тақсимлаш учун сугурталаш усуллари каби таърифлайди[8].

Сугурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган асарларнинг таҳлили, “сугурта тизими”нинг иқтисодий мазмунини тадқиқ этиш учта асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Ҳозирги кунга келиб, “сугурта тизими” ва “миллий сугурта тизими” атамалари тобора кўп адабиётларда учрамоқда. Олиб борилган таҳлиллар натижаси “сугурта тизими” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ўранишининг учта асосий йўналишини аниқлаш имконини беради.

1. Биринчи йўналишда сугурта тизимини (В.В. Шахов[1], А.О. Тарақуҷяқ[5], В.И. Плис[6], М.А. Грушанина[9]) мураккаб, кўп омилли ва сугурта ташкилотлари асосий тузилма сифатида кўриб чиқилади. Сугурта тизими рисклилиги туфайли мураккаб ҳисобланади ва унинг ўзига хослиги унинг ўзи ҳам турли рисклардан ҳимоя воситаси эканлигида ва бир вақтнинг ўзида иқтисодий агентларнинг инвестицион фаолигида намоён бўлади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сугурта тизимининг иқтисодий мазмунини фақатгина сугурта бозори нуктаи назаридан кўриб чиқиш етарли эмас.

2. Иккинчи йўналишда сугурта тизимини сугурта фаолияти устидан давлат назорати ва ўзини-ўзи тартибга солиш жараёнларини ташкил этиш нуктаи назаридан кўриб чиқилади (С.Л. Ефимов[2], Е.Ф. Дюжиков[2], С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасова[4], Е.В. Коломин[10], А.А. Цыганов[11], М.Д. Ковальски[12], В.Т. Белиньски[13], Д.У. Валчеж)[14]. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусияти унда сугурта тизимини тартибга солиш ва давлат томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар мавжудлигида акс этади. Шу билан бирга, иқтисодиётда сугурта тизимининг моҳиятини янада тўлиқроқ очиб бериш талаб этилади.

3. Учинчи йўналишда сугурта тизимини сугурта муносабатларини субъектлар ўртасида рисклар жавобгарлиги бўйича мажбуриятни олиш учун сугурта турлари тўплами сифатида кўриб чиқилади. (В.Д. Базилевич, К.С. Базилевич[7], М.М. Александрова)[8]. Ушбу тавсиф сугурта тизимини рискларни тақсимлаш ҳамда мулкый ва мажбурий сугурта турлари бўйича мажбуриятларни олиш хусусиятларини акс эттиради.

Сугурта тизими сугурта ташкилотлари ва сугурталанувчилар ўртасида қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинадиган иқтисодий муносабатларнинг бир тури бўлиб, у муайян ҳодисалар

(сугурта ҳодисалари) юз берган ҳолларда сугурталанувчиларнинг мулкый манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий механизмдир.

Сугурта тизимини кенгрок талқин қиладиган бўлсак, у ижтимоий, шу жумладан, пенсия сугуртаси, узоқ муддатли жамғариш функциясига эга сугурта турлари, шунингдек, ўзаро сугурта қилишни назарда тутати.

Сугурта тизими механизмнинг амал қилиши сугурта муносабатлари иштирокчиларининг макро, мезо ва микродаражадаги ўзаро муносабатлари жараёнидир. Ушбу механизм сугурталаниш амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон сугурта тизимини тартибга солишда асосий қонуний ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби ва 2021 йил 21 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуний ҳужжатларда сугурта тизимига таъриф берилмаган.

Сугурта ҳимояси сугурта хизматлари истеъмолчиларининг мулкый манфаатларини ҳимоялаш бўйича чора-тадбирларнинг мажмуаси бўлиб, у шакллантирилган сугурта фонди ҳисобига зарарни қоплаш йўли билан таъминланади. Сугурта компанияси томонидан маълум сугурталаш тури доирасида уни миқдорга тақлиф этиш, сотиш мақсадида таъминланадиган сугурта ҳимояси сугурта маҳсулоти каби расмийлаштирилади.

Сугурта маҳсулоти истеъмолчига сугурта бозорида тақлиф этиладиган сугурта хизматлари тўпламидир. Иқтисодий адабиётда сугурта маҳсулотининг турли хил таърифлари мавжуд. “Сугурта маҳсулоти” атамасининг асосий таърифларини ажратиб кўрсатамиз.

Муаллифлар В.Б. Гомель ва Д.С. Гуленталарнинг[15] “сугурта маҳсулоти” атамасини талқин этишлари диққатга сазовор, улар сугурта маҳсулотини турли тасодифий ва эҳтимолий (кўпинча, салбий бўлган), табиий ва ижтимоий ҳолатларнинг оқибатларидан иқтисодий ҳимоялашни амалга ошириш бўйича инсон фаолиятининг натижаси сифатида таърифлайди. Сугурта маҳсулоти сугурта хизмати шаклида намоён бўлади.

Р.Т. Юлдашев сугурта маҳсулотини сугурта компанияларининг амалий фаолияти орқали кўриб чиқади, уни ҳужжатлар тўплами шаклида ифодаланган сугурталанишнинг муайян турини ишлаб чиқишнинг якуний натижаси каби таърифлайди[16].

Х.М. Шеннаев, Г.Т. Халикулова “Сугурта маркетинги” ўқув қўлланмасида сугурта маҳсулоти сугурталанувчига сугурта шартномаси тузиш орқали тақдим этиладиган асосий ва ёрдамчи хизматлар йиғиндисидир[17], дея таърифлайдилар.


Сугурта маҳсулоти таркибидан унинг асосий хусусиятларини – бериладиган кафолатлар, сугурта суммалари, франшизалар ва нархни ўзида мужассам этган «нетто-ставка»ни шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фикримизча, сугурта маҳсулотини юқорида келтирилган хусусиятлар тўплами шаклида кўриб чиқиш етарли бўлмайди. Сугурта маҳсулоти иқтисодий агентларга уларнинг мулкый манфаатларини ҳимоялаш учун тақлиф этиладиган сугурта хизматларининг тўпламидир.

Сугурта муносабатлари ривожланишининг замонавий амалиётини ҳисобга олиб, сугурта маҳсулотини сугурта компаниялари бозорда миқдорларга тақлиф этадиган сугурта хизматларининг мажмуи каби таърифлашни тақлиф этамиз. Сугурта рискларининг рўйхати сугурта маҳсулотининг умумий концепциясига жавоб бериши лозим. Сугурта маҳсулотининг бозорнинг рақобат муҳитига таъсири даражаси унинг тузилмаси билан белгиланади. Сугурта маҳсулотининг тузилмаси сотиш режалаштирилаётган ҳудуднинг иқтисодий, молиявий, ижтимоий вазиятига қанчалик жавоб берса, сугурта маҳсулотининг сугурта хизматлари бозоридаги роли ва аҳамияти шунчалик юқори бўлади.

Сугурта маҳсулотининг ишлаш тамойилларини аниқлаш сугурта маҳсулотини сотиш каналларини ташкил этиш, сервис қўмаклашувини ўз ичига олган сугурта маҳсулоти ҳаётий даврининг асосий босқичларини тизимли таҳлил қилиш, сугурта маҳсулотининг тузилмасини аниқлашга имкон беради.

Сугурта маҳсулотини ишлаб чиқиш ва уни бошқариш учун сугурталовчи томонидан бериладиган кафолатларнинг тавсифи, сугурта суммаларининг миқдори, сугурталаш қиймати, франшизанинг миқдори, сугурталаш муддати ва ҳоказоларни ўз ичига олган актуар ёндашувлардан фойдаланилади. Ўта мураккаб ва жозибадор бўлган сугурта маҳсулоти яратилиши мумкин, лекин шунга қарамай, унга талаб бўлмаслиги мумкин ва аксинча, содда, шахсий муаммоларни ҳал қилувчи сугурта маҳсулотлари



1-расм. Суғурта маҳсулотининг тuzилмаси¹

долзарблиги ёки оммабоплиги туфайли анча самарали бўлиши мумкин.

Суғурта маҳсулоти сотиш суғурта компаниясининг бозордаги стратегияси ва тактикасига мувофиқ амалга оширилади. Суғурта маҳсулотининг аҳолининг маълум тоифаси орасида талаб мавжуд бўлишига таъсир этувчи омиллари; суғурта маҳсулотининг таклифига таъсир этувчи ва унинг суғурта бозориди ўрни ва аҳолиятини белгилаб берувчи омиллар таҳлил қилинади. Суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш тўғрисида бошқарув қарорининг қабул қилиниши ҳамда кейинги режалаштириш ва амалга ошириш учун вазибаларнинг қўйилиши суғурталашга бозор (ёки ижтимоий) эҳтиёжини ажратиб кўрсатиш ҳамда унинг шароитлари, имкониятларини таҳлил қилиш заминиди амалга оширилади ва суғурта компаниясининг фаолияти стратегияларини мажмуавий таърифлашда ўз аксини топади.

Суғурта маҳсулотининг тuzилмаси (1-расм) қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади: суғурта шартлари ва суғурта маҳсулотини расмиylashtirish. Суғурта шартлари энг муҳим таркибий қисм ҳисобланади ва суғурта маҳсулотини режалаштириш босқичида белгиланади. Суғурта шартлари техник ва иқтисодий хусусиятларга бўлинади.

Суғурта маҳсулотининг рақобатбардошлигини бозор белгилаб беради. Суғурта хизматлари бозорининг фаолият юритиши иқтисодий адабиётларда турлича ёритилган. Шунинг қайд этиш лозимки, замонавий иқтисодий тафаккурда мавжуд бўлган суғурта бозорининг турли талқинларини таҳлил қилиш уларни иккита асосий гуруҳга бирлаштириш имконини беради.

1. Суғурта бозори сотувчи ва мижоз ўртасида суғурта маҳсулотига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланадиган ва олди-сотди жараёнларини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси (А.Г. Загородний, Г.Л. Вознюк[18], А.К. Шихов[19], Е.В. Коломин)[15].

2. Суғурта бозорига суғурта химояси олди-сотди объекти бўлиб намоён бўладиган ижтимоий-иқтисодий муҳит сифатида тариф берилади (В.В. Шахов[1], В.Д. Базилевич, К.С. Базилевич[7], Р.Т. Юлдашев[16], В.И. Плисо)[6].

Хулоса

Суғурта бозорининг у ёки бу талқини юзасидан мунозараларнинг асоси муаллифларнинг иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, молиявий жиҳатларни бирга умумлаштиришга интилиши эканлигини қайд этиш лозим. Шу жиҳатдан суғурта бозорини бир неча жиҳатдан талқин этиш лозим.

Суғурта бозори мураккаб иқтисодий тизимдан иборат, унда бозор инфратузилмаси асосида фаолият юритилади ҳамда сотувчилар таклифига жавобан суғурта маҳсулотлари харидорлари томонидан талаб шаклланади. Суғурта бозори ривожланишининг объектив асоси зарар кўрган шахсларга уларнинг ҳаётида турли хил рисклар юзага келганда, моддий ёрдам кўрсатиш орқали қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарурлигидан иборат. Суғурта бозори фаолиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, бу тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларидир, бунда суғурта компаниялари асосий иштирокчи сифатида намоён бўлади. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта фондларининг суғурта бадаллари ҳисобиди шаклланиши ҳамда улардан кейинчалик зарарни қоплаш учун фойдаланишини кўзда тутати. Иккинчидан, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг рискни тақсимлашда иштирок этиши суғурта бозорининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Суғурта хизматини сотиб олиб, истеъмолчи ўз мулккий манфаатлари бузилган ҳолда, унга етказиладиган зарарни тўлаб бериш кафолати билан таъминлайди. Учинчидан, суғурта хизматининг таннархи фақат суғурта тўловлари ва сервис хизматлари ташкил этилишидан кейингина ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматининг нархини бирламчи белгилаш суғурта компаниясига нетто-фондининг зарур миқдорини шакллантириш ва истеъмолчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш имконини беради.

Шундай қилиб, суғурта бозори суғурта тизимининг базавий компонентидир. Суғурта бозорининг фаолият юритиши шаклланган бозор инфратузилмаси, рақобатбардош суғурта маҳсулотлари мавжудлиги, суғурта муносабатларининг ўзини-ўзи ташкил этиши механизми билан таъминланади.

Шундай қилиб, суғурта тизимини ўрганишда юқорида келтирилган уч йўналиш ҳам суғурта тизимини қисман акс эттиради.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, сугурта тизими узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёни таъминлашда қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий агентлар мулкрий манфаатларини сугуртавий ҳимоя қилиш учун сугурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатларнинг мураккаб мажмуи ҳисобланади- деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Баён қилинган таҳлилдан келиб чиқиб, сугурта тизимининг асосий мақсади нафақат иқтисодий тузилмалар, балки умуман жамиятнинг яшовчанлик қobiliятини ошириш мақсадида иқтисодий агентларнинг мулкрий манфаатларини ҳимоялаш бўйича молиявий қафолатларни таъминлаш ҳисобланади, деб таъкидлаш мумкин.

Шундай қилиб, сугурта тизими субординацияланган, мураккаб тузилмага эга тизим ҳисобланади. Сугурта тизимининг асосий қисмларидан бири сугурта муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Сугурта тизими субъектларининг институционал тузилмаси сугурта хизматлари сотувчилари ҳамда харидорларини ўз ичига олади, улар, ўз навбатида, бозор инфратузилмасининг асосий субъектлари ҳисобланади, шу жиҳатдан ҳам сугурта тизимининг амал қилишини кўриб чиқиш ва сугурта муносабатларининг субъектлари фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш тадқиқот ишларининг асосини ташкил этади.

Reference:

1. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М. ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
2. Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь: Экономика и страхование. - М.: ЦЕРХ-ПЭЛ, 1996. - 528 б.
3. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 462 с.
4. Дюжиков Е.Ф. Перспективы сотрудничества стран СНГ в области страхования // Финансы. - 2000. - №6.-С.42-44
5. Таракуцяк А.О. Страховые услуги: Учебное пособие. – К.: Из-во: Европа, 2003. - 584 с .
6. Плис В.И. Страхування: Навч. посібник – К.: Каравела, 2005. – 392с.
7. Базилевич В.Д., Базилевич К.С. Страхова справа. – 4-те вид., перероб. - К.: Знання, 2005. – 351 с.
8. Александрова М.М. Страхування: Учебно-методичкое пособие. – К.: ЦУЛ, 2002 – 208с.
9. Грушанина М.А. Использование метода когнитивного моделирования для оценки и анализа развития страхового бизнеса // Страховое дело. – 2004. - №7. – с. 9 – 16.
10. Коломин Е.В. Проблемы развития страховых исследований. "Нет ничего практичнее хорошей теории" // Финансы. - 2003. - №6. - С.40-44.
11. Цыганов А.А. Гарантирование страховых взносов и выплат в зарубежной практике страхового дела // Страховое дело. – 2004. - №9. – с. 24 – 31.
12. Ковальски М. Эволюция страхового рынка Польши в контексте интеграции в ЕС // Економічний часопис. – XXI. – 2004. - №6. – с. 29 – 31.
13. Белиньски В. Ключевые факторы успеха страхового рынка Польши и возможности использования польского опыта в Украине // Економічний часопис – XXI. – 2004. - №6. – с. 23 – 28.
14. Валчеж Д. Страхова практика в Польщі: основні проблеми та механізми їх вирішення // Економічний часопис. – XXI. – 2004. - №6. – с. 32 – 33.
15. Гомеля В.Б., Гуленты Д.С. Страховой маркетинг (Актуальные вопросы методологии, теории и практики). Второе издание. – М.: «Анkil», 2000. – 128 с.
16. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь - справочник. – М.: Анkil, 2000. – 272 с.
17. Шеннаев Х.М., Халикулова Г.Т. Сугурта маркетинги. Ўқув қўлланма – Т.: Янги нашр, 2012. – 212 б.
18. Загорордний А.Г. , Вознюк Г.Л. Страхование: Терминологический словарь. – 2-е дополненное издание. – Львов: Видавництво “Бескид Біт”, 2002. – 104 с.
19. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для студентов вузов. - М.: ЮНИТИ, 2000. - 431 с.; Коломин Е.В. Проблемы развития страховых исследований. "Нет ничего практичнее хорошей теории" // Финансы. - 2003. - №6. - С.40-44.